

САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.F02.02.
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ЭРГАШЕВА МАҲБУБА ҲОТАМБЕКОВНА

«АВЕСТО»ДАГИ ФАЛСАФИЙ ҒОЯЛАРГА СИНЕРГЕТИК ЁНДАШУВ
(ОНТОЛОГИК ВА ГНОСЕОЛОГИК ТАҲЛИЛ)

09.00.01-Онтология, гносеология ва мантик

ФАЛСАФА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

САМАРҚАНД– 2017

**Фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферерати мундарижаси
Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
философским наукам
Contents of dissertation abstract of the doctor of philosophy (PhD) on
philosophical sciences**

| | |
|---|----|
| Эргашева Махбуба Хотамбековна «Авесто»даги фалсафий ғояларга синергетик ёндашув (онтологик ва гносеологик таҳлил) | 5 |
| Эргашева Махбуба Хотамбековна Синергетический подход философским идеям в «Авеста» (онтологический и гносеологический анализ)..... | 17 |
| Ergasheva Mahbuba Hotambekovna Synergetic approach philosophical ideas «Avesta» (ontological and epistemological analysis)..... | 31 |
| Эълон қилинган ишлар рўйхати Список опубликованных работ List of published works..... | 35 |

САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.F02.02.РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ЭРГАШЕВА МАҲБУБА ҲОТАМБЕКОВНА

«АВЕСТО»ДАГИ ФАЛСАФИЙ ҒОЯЛАРГА СИНЕРГЕТИК ЁНДАШУВ
(ОНТОЛОГИК ВА ГНОСЕОЛОГИК ТАҲЛИЛ)

09.00.01-Онтология, гносеология ва мантик

ФАЛСАФА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

САМАРҚАНД – 2017

Фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2017.1.PhD/Fa19 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Самарқанд Давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида samdu.uz ҳамда “Ziyonet” Ахборот-таълим порталида www.ziyonet.uz манзилларига жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Тураев Бахтиёр Оманович
фалсафа фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Исҳоқов Мирсодиқ Мирсултонович
тарих фанлари доктори, профессор

Бердимуратова Алима Карлыбаевна
фалсафа фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Тошкент давлат педагогика университети

Диссертация ҳимояси Самарқанд Давлат университети ҳузуридаги DSc.27.06.2017.F.02.02 рақамли Илмий кенгашнинг 2017 йил «___» _____ соат ___ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 140104, Самарқанд шаҳри, Университет хиёбони, 15. Тел.: (8366) 235-19-38, 235-64-90; факс: (8366) 231-15-86, (8366) 235-27-24; e-mail: rector@samdu.uz Самарқанд давлат университети Тарих факультети, 1-қават, анжуманлар зали).

Диссертация билан Самарқанд Давлат университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___-рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 140104, Самарқанд шаҳри, Университет хиёбони, 15. Тел.: (8366) 235-19-38, 235-64-90; факс: (8366) 231-15-86, (8366) 235-27-24.

Диссертация автореферати 2017 йил «___» _____ кун таркатилди.
(2017 йил «___» _____ даги _____-рақамли реестр баённомаси).

Ж.Яхшилик

Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш раиси ўринбосари, фалс.ф.д., профессор

А.А.Азизқулов

Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш илмий котиби, фалс.ф.н.

С.А.Чориев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
қошидаги илмий семинар раиси, фалс.ф.д.

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. XXI асрда жаҳонда гуманизм, инсон кадр-қиммати, шаъни, ҳаёти, ор-номуси, дахлсизлиги ҳақидаги ғоялар энг олий кадрият даражасига кўтарилмоқда. Айни пайтда бу ғоялар уч минг йил муқаддам «Авесто»да бутун инсониятнинг фалсафий фикрлари ривожланишига катта таъсир кўрсатган қадимий ва барҳаёт кадриятлар сифатида қайд этилган. Унда баён этилган фикрларнинг нақадар мазмундор ва кўп қиррали эканлиги бугунги кун тадқиқотчиларини ҳам ҳайратга солмоқда. XX асрнинг иккинчи ярмида вужудга келган синергетик ёндашув асосида «Авесто»даги ғояларни ночизикли тафаккур асосида қайта англаш эҳтиёжи синергетик қонуниятларнинг илдизлари анча қадимий эканлигини кўрсатмоқда, хусусан, кўхна «Авесто» сатрларида ҳам ночизикли тафаккур куртаклари мавжуд эканлиги аниқланмоқда.

Мустақиллик йилларида маънавий ва диний-фалсафий меросимизни тиклаш масаласига мамлакатимизда жиддий эътибор қаратилди. «Биз аждодларимизнинг донишмандлик анъаналарига амал қилиб, уларнинг бунёдкор ғояларини теран англаган ҳолда, қатъий ислоҳотларни амалга оширмоқдамиз, мамлакатимизнинг янги қиёфасини шакллантириш йўлидан бормоқдамиз»¹. Истиқлол йиллари ЮНЕСКО иштирокида «Авесто»нинг 2700 йиллиги бўйича халқаро анжуманнинг ташкил қилиниши (2001) мазкур манбанинг халқаро нуфузини янада оширди. Хоразмда (2001) «Авесто»нинг 2700 йиллик юбилейига бағишлаб ўтказилган, Самарқандда (2014) «Ўрта аср Шарқ алломалари ва мутафаккирларининг тарихий мероси, унинг замонавий цивилизация ривожига роли ва аҳамияти» мавзусида ўтказилган халқаро конференцияларда маънавий меросни тадқиқ этишнинг долзарблигига алоҳида урғу берилди. «Бугунги нотинч ва таҳликали замонда тараққиёт ва ижтимоий барқарорликни таъминлашда аждодларимиз қолдирган, бутун инсониятнинг маънавий бойлиги бўлган бебаҳо мероснинг ўрни ва аҳамияти беқиёсдир»². Бу биздан ёшларни аждодларимиз яратган бунёдкор ғоялар таъсирида тарбиялашимизни, аждодларимиз томонидан яратилган фалсафий, тарихий асарларни янада чуқур тадқиқ этишни талаб қилади. «Авесто» асарини, айниқса, ундаги бунёдкор ғояларни янада чуқур тадқиқ этиш, бебаҳо меросимизни жамият тараққиётининг келажагига хизмат қилдириш ёшларимизни бунёдкор, ватанпарвар, инсонпарвар қилиб тарбиялашга хизмат қилади.

Жаҳонда бугунги кунда турли глобал муаммолар – экологик ҳалокатлар, терроризм, экстремизм, одам савдоси, гиёҳвандлик каби иллатлар халқаро хавфсизликка таҳдид солаётган бир пайтда бунёдкор ғояларни ўзида мужассам этган, одамларни эзгуликка даъват эта оладиган, муқаддас «Авесто» китобидаги фалсафий ғояларни синергетика нуқтаи назаридан ўрганиш, ҳозирги даврдаги мураккаб илмий-концептуал муаммоларни таҳлил қилишда,

¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг БМТ Бош ассамблеясининг 72-сессиясида сўзлаган нутқи. // <http://uz24.uz/uz/politics/shavkat-mirziyoev-bmt-bosh-assambleyasining-72-sessiyasida-nutu-sgzladi>.

² Ислом ҳамкорлик ташкилотининг биринчи саммити материаллари. // Islom.ziyouz.com/fatvo.../islom-konferensiyasi-tashkiloti. 2016.

мафкуравий иммунитетни шакллантиришда, миллий ўзликни англашда муҳим амалий аҳамиятга эга. Мазкур асарнинг синергетик таҳлили шу чокқача амалга оширилмаган, унинг онтологик ва гносеологик қирралари очилмаган, асардаги вайронкор мафкураларни енгувчи бунёдкор ғояларнинг моҳияти ҳам ҳали батафсил ўрганилмаган бўлиб, ушбу тадқиқот бу камчиликларни муайян даражада тўлдиришга қаратилгандир.

Мазкур тадқиқот Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 6 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича “Ҳаракатлар стратегияси” тўғрисида»³даги Фармони ва «Маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш ва соҳани ривожлантиришни янги босқичга кўтариш тўғрисида»ги (2017 йил 28 июль), Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг (2011 йил 23 февраль) 47-сон «Номоддий маданий мерос муҳофазасига оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида»ги Қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур диссертация тадқиқоти ИТД–1 – “Жамиятнинг маънавий-ахлоқий ва маданий ривожланиши, маънавий кадриятлар, миллий ғоя, маданий мерос, ўзбек халқи ва давлатчилик тарихи ҳамда таълимнинг узвийлик ва узлуксизлиги, баркамол авлод тарбиясини тадқиқ этиш” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти И.А.Каримов асарлари ва маърузаларидаги миллий-маънавий меросимизни, маданиятимизни тиклаш ва ривожлантириш масалаларига оид бўлган концептуал ғоялар мазкур тадқиқотга илмий-методологик асос бўлиб хизмат қилди. Буюк аждодларимизнинг илмий мероси ҳам тадқиқ этилаётган мавзуни ёритишда муҳим манба саналади. Хусусан, Абу Райҳон Беруний ўз асарларида “Авесто” хусусида салмоқли мулоҳазаларини баён этган.

Истиқлол шарофати билан Республикамизда ҳам ушбу таълимот ғояларининг янги томонларини ёритишда С.Арифхонова, А.Аширов, М.Исҳоқов, Т.Карим, А.Маҳкам, Т.Махмудов, Г.Махмудова, Ф.Сулаймонова, А.Сагдуллаев, М.Умарзода, Р.Уразова, Ҳ.Ҳомидов, А.Қаюмовларнинг тақдим этган илмий ишлари ва монографиялари диққатга сазовордир.

Зардуштийликнинг диний-фалсафий асослари хорижлик олимлар М.Бойс, Е.Бюрнуф, Э.Бенвенист, Г.Виденгрэн, В.Гайтер, Э.Герцфельд, К.Гельднер, Анкетиль Дюперрон, Ж.Дармстетер, Ж.Дюшен-Гийемен, Ж.Келлен, Б.Линкольн, М.Мюллер, И.Маркварт, М.Моле, М.Пур-Давуд, С.Х.Тагизаде, Дж.Тавадий, Р.Фрай, У.Хеннинг, Ф.Шпигел ва бошқалар томонидан тадқиқ қилинган.

Авестошунослик бўйича тадқиқотлар асосан АҚШ, Германия ва Францияда кенг миқёсида олиб борилган. Бунда Гарвард ва Оксфорд

³ Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида/ расмий нашр/ Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги. – Тошкент: Адолат, 2017.

университетлари олимларининг илмий изланишлари эътиборга моликдир. Бироқ олиб борилган тадқиқотлар таҳлилидан маълум бўладики, авестошуносликка оид тугал мазмундаги ва ҳолисона мезондаги фикрлар, шарҳлар, фалсафий-концептуал қарашлар илгари сурилмаган.

МДХ доирасида Зардуштийликнинг муқаддас китоби ҳисобланган «Авесто» ва ундаги ғояларни илмий-фалсафий жиҳатдан тадқиқ қилган олимлар жумласига В.И.Абаев, И.Алиев, В.В.Бартольд, Е.Э.Бертельс, И.С.Брагинский, Б.Г.Гафуров, Э.А.Грантовский, М.М.Дьяконов, Е.А.Дорошенко К.Г.Залеман, В.А.Лившиц, В.Г.Луконин, А.О.Маковельский, С.Ф.Ольденбург, И.М.Оранский, В.В.Струве, А.А.Фрейман ва бошқаларни киритиш мумкин.

Бироқ шуни алоҳида қайд этиш керакки, мавжуд тадқиқот ишларида «Авесто»даги диний-фалсафий ғояларни синергетик ёндашув асосида махсус тадқиқ қилинмаган. Шу сабабдан мазкур тадқиқотда «Авесто»даги фалсафий ғояларга синергетик ёндашув (онтологик ва гносеологик таҳлил)» мавзуси доирасида имкон қадар тадқиқот олиб боришга ҳаракат қилинди.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим ёки илмий тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация Самарқанд Давлат университети илмий-тадқиқот ишларининг 2016–2020 йилларга мўлжалланган “Илмий тадқиқот фаолиятини ривожлантириш ва илмий салоҳиятни оширишга йўналтирилган комплекс чора-тадбирлар дастури” доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади «Авесто»даги фалсафий ғояларни синергетик қонуниятлар воситасида асослаш йўли билан унинг онтологик ва гносеологик хусусиятларини очиб беришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

қадимги Марказий Осиёда фалсафий фикрлар тараққиёти ва унда «Авесто»нинг ўрни, маъно-мазмунини синергетик таҳлил қилиш;

«Авесто»ни ўрганишга синергетик ёндашув ва бундай ёндашувнинг ўзига хос жиҳатларини илмий-фалсафий нуқтаи назардан ёритиш;

тартиб ва тартибсизлик ўртасидаги муносабат муаммосининг «Авесто»да ёритилишини фалсафий нуқтаи назардан тадқиқ қилиш;

«Авесто»даги оламнинг мураккаблиги ва хилма-хиллигини намоён этган қарашларни асослаш;

«Авесто»даги инсонпарвар ғояларнинг бугунги кундаги аҳамиятини аниқлашга йўналтирилган концептуал хулосалар, таклиф-тавсияларни ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг объекти сифатида «Авесто» асари олинди.

Тадқиқотнинг предмети «Авесто»да мужассамлашган фалсафий ғояларни синергетик тушунчалар ва тамойиллар асосида тадқиқ қилишдан иборат.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда илмий билишнинг объективлик, тизимлилик, ворисийлик, қиёсий таҳлил, анализ ва синтез, умумлаштириш, тарихийлик ва мантиқийлик каби методларига таянилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

«Авесто»даги фалсафий ғояларнинг яхлитлик ва хилма-хиллик, оддийлик ва мураккаблик, чизиқлилиқ ва ночизиқлилиқ сингари онтологик хусусиятлари ҳамда эмпирик ва рационал даражадаги гносеологик моҳияти очиб берилган;

қадимий манбалар системасини синергетик методологиянинг тартиб ва тартибсизликнинг уйғунлиги, тараққиётнинг орқага қайтмаслиги, очиклик ва ёпиқлиги тамойиллари нуқтаи назардан чуқурроқ очиб бериш имкониятлари асослаб берилган;

«Авесто» фалсафий ғояларининг замонавий фалсафий қарашлар ривожига конструктив (бунёдкор) таъсири, кишиларнинг маънавий-ахлоқий ўз-ўзини ташкиллаштиришидаги ўрни юзасидан ёшларни ватанпарвар ва инсонпарвар руҳда тарбиялашга оид хулосалар асосланган;

«Авесто» асаридаги инсоннинг ўзлигини англаш жараёнида маънавий ўзликни англашнинг ҳис қилиш, билиш, англаш ва фаолият кетма-кетлигида гносеологик хусусиятлари очиб берилган.

Тадқиқотнинг амалий натижаси қуйидагилардан иборат:

«Авесто»даги илмий, фалсафий ғояларни онтологик, гносеологик томонларини янада чуқур англаб етишда синергетика методологиясининг имкониятларидан кенг фойдаланиш механизмларини такомиллаштириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган;

“Авесто” ва қадимий манбалар системасини таҳлил этишда синергетик ёндашув ва бундай ёндашувнинг ўзига хос жиҳатларини илмий-фалсафий нуқтаи назардан асосланган;

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги республика ва халқаро миқёсдаги илмий конференция материаллари тўпламлари, ОАК рўйхатидаги махсус журналлар ҳамда хорижий илмий журналларда чоп этилган мақолалар, нашр этилган монография ва тадқиқот иши юзасидан берилган хулосалар, таклиф ва тавсияларнинг амалиётда жорий этилгани, олинган натижаларнинг ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқлангани билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқотнинг илмий аҳамияти унда ўз аксини топган хулосалар «Авесто»даги фалсафий ғояларни синергетик тушунча ва принциплар нуқтаи назардан ўрганишга хизмат қилишида намоён бўлади. Шунингдек, диссертацияда баён этилган хулосалар ушбу йўналишдаги кейинги тадқиқотлар учун муайян назарий манба бўлиб хизмат қилади.

Диссертациянинг амалий аҳамияти унда ўз аксини топган назарий хулосалар ва умумлашмалар, конкрет амалий таклиф-тавсиялардан Республика Маънавият тарғибот марказининг жойлардаги бўлимлари, фуқаролик йиғинлари, Ўзбекистон «Ёшлар Иттифоқи» фаолиятида, ёшларнинг маънавий ўзлигини англашида, шунингдек, олий ва ўрта махсус таълим муассасаларида ижтимоий-сиёсий фанларни ўқитишда, талабалар учун уюштирилдиган мулоқот, давра суҳбатларида ҳамда ушбу йўналишдаги маънавий-маърифий тадбирларни ташкил этишда, фалсафий манбаларни ўрганишда, тингловчилар дунёқарашини кенгайтиришда фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Зардуштийлик даври фалсафий фикрларини синергетиканинг асосий қонуниятлари (тизимлилик, мураккаблик, ночизиқлик, ўз-ўзини ташкиллаштириш) орқали таҳлил этиш борасидаги таклифлар асосида:

«Авесто»ни ўрганишга синергетик ёндашувнинг асар ғояларини тадқиқ этишдаги имкониятларини илмий-фалсафий нуқтаи назардан асослаш борасидаги таклиф ва тавсиялардан Ўзбекистон маданияти тарихи ва Ўлкашунослик музейлари фаолиятида (2015-2016), хусусан, 2016 йилга мўлжалланган иш режасини I.«Илмий-тадқиқот ишлари» бўлимининг 5.«Илмий концепция ва мавзуй-экспозицион режа бўйича буклет ва этикетка лойиҳасини ишлаб чиқиш» хусусидаги ҳамда VI.«Илмий-услубий ва амалий ёрдам кўрсатиш ишлари» бўлимининг I.«Вилоятдаги шаҳар ва туманларда янги музей экспозицияларини ташкил этиш» борасидаги банди ижросида фойдаланилган. (Ўзбекистон Республикаси маданият ва спорт ишлари вазирлигининг 2016 йил 17 ноябрдаги 01-11-08-6304-сон хати). Илмий хулосаларни фалсафий манбаларни ўрганишга тадбиқ этилиши ва музейлар фаолияти иш режасига киритилиши янги ночизиқли тафаккур тарзининг шаклланишига, манбаларнинг, хусусан, «Авесто» ғояларининг ҳали илмий жамоатчиликка маълум бўлмаган янги, онтологик, гносеологик, синергетик томонларини илмий асослаб берган;

Қадимий манбалар системасини синергетик методологиянинг тартиб ва тартибсизликнинг уйғунлиги, тараққиётнинг орқага қайтмаслиги, очиқлик ва ёпиқлиги тамойиллари нуқтаи назаридан чуқурроқ очиб бериш имкониятлари хусусидаги таклиф ва тавсиялардан Имом Бухорий халқаро марказининг 2016 мўлжалланган иш режасини VII.«Таржимонлик ва нашр ишлари» бўлимининг 8.«Марказ қўлёзмалар фондида сақланаётган асарларнинг каталогини тузиш» борасидаги ҳамда VI.«Соғлом она ва бола йилига бағишланган тарғибот ишлари ва маънавий-маърифий тадбирлар» бўлимининг 4.«Миллий-маънавий меросимизнинг ёшлар тарбиясида тутган ўрни» борасидаги бандини тайёрлашда фойдаланилган. (Имом Бухорий халқаро марказининг 2016 йил 28 октябрдаги 01-09/48-сон далолатномаси). Мазкур таклифларни марказ иш режасига киритилиши манбалар системасини синергетика методологиясидан келиб чиқиб, қўлёзмалар каталогларини тузишда фойдаланилган;

«Авесто»даги фалсафий ғояларнинг замонавий фалсафий қарашлар ривожига концептуал таъсири, кишиларнинг маънавий-руҳий ўз-ўзини ташкиллаштиришидаги ўрни, ўз-ўзини ташкиллаш жараёнини англашнинг гносеологик хусусиятлари бўйича илмий хулосалар, таклиф ва тавсиялардан Ўзбекистон Республикаси Қуролли кучлар Давлат музейининг «Қадимги давр ва илк ўрта асрлар даври» бўлимини илмий таҳлил этишда ва жиҳозлашда фойдаланилган. (Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги Маънавият ва маърифат марказининг 2016 йил 30 июндаги 14/3/463-сон далолатномаси) Мазкур таклифлардан Ўзбекистон Республикаси Қуролли кучлар Давлат музейи фаолиятида фойдаланилиши Ўзбекистоннинг ҳарбий соҳага оид ёдгорликларини тадқиқ этиш ва сақлаш, улардан ҳарбий хизматчилар ва аҳолини ватанпарварлик руҳида тарбиялашда, шунингдек, музей

экспозициясининг етакчи мавзуларини янада чуқур, илмий асосда ёритишга хизмат қилган;

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 10 та республика ва 4 та халқаро илмий-амалий конференцияларда апробациядан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 47 та илмий иш чоп этилган, 1 та монография, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациянинг асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 16 та мақола, жумладан, 12 таси республика ва 4 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, учта боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 150 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида мавзунинг долзарблиги ва зарурати, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, илмий янгилиги асосланган, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига боғлиқлиги, объекти, предмети, методлари, мақсади ва вазифалари аниқланган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти, амалиётга жорий қилингани, апробацияси, нашр этилган ишлар, диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Авесто**»даги **фалсафий ғояларни тадқиқ этишнинг назарий методологик асослари**» деб номланган биринчи бобида қадимги Марказий Осиёда фалсафий фикрлар тараққиёти ва унда «Авесто»нинг ўрнини асослашга бағишланган кўплаб тадқиқотларнинг назарий таҳлили амалга оширилган. Шунинг билан бир қаторда «Авесто»даги фалсафий ғояларнинг ривожланиш босқичлари ва уларнинг парадигмал хусусиятлари илмий жиҳатдан очиб берилган. Ишнинг ўзига хос концептуал янгилиги сифатида «Авесто»ни ўрганишга синергетик ёндашув ва унинг ўзига хос жиҳатлари ёритилган.

Диссертацияда бугунги кунда устувор аҳамият касб этаётган цивилизациявий ёндашув инсоният тарихини бир-бирига боғлиқлигини, бирлик ва бутунлигини англаш томон бораётганлиги, замонавий фалсафа ва фаннинг қатъий талаби ҳам Шарқ ва Ғарб маданиятининг бир-бири билан мулоқотини шакллантиришдан иборат бўлиб келаётганлиги асосланган.

Диссертацияда илк фалсафий ғоялар Қадимги Ҳинд, Хитой, Юнон, Рим каби давлатлар билан бир қаторда, ҳатто улардан ҳам аввалроқ Марказий Осиё давлатларида муқаддас «Авесто» китоби ғояларида илгари сурилганлиги ва ривожланганлиги ёритилган. Муқаддас китобдаги фалсафий ғояларни англаш, таҳлил этиш ҳамда замон руҳига мослаштириб халққа тақдим этиш, асардаги мулоҳазаларни бугунги давр учун ҳам, келажак учун ҳам қиммати ва аҳамиятини йўқотмаганлиги изоҳланган.

«Авесто» ғояларини фалсафий томонларини чуқур тадқиқ этиш нафақат Марказий Осиё, балки бутун жаҳон фалсафа тарихи, фалсафий фикрлар

тараққиёти ҳақидаги мулоҳазаларга янгича илмий хулосалар беришга имкон яратиши асослаб берилган.

Диссертациянинг биринчи боби бўйича қуйидаги хулосалар ёритилган:

Биринчидан, «Авесто», фалсафий, маънавий, маърифий, ахлоқий, сиёсий, ҳуқуқий барҳаёт ғоялари билан бугунги кун фалсафий ва илмий дунёқарашини, тафаккур тарзини шакллантириш учун кўмак бера олади. Зеро, бугунги дунёнинг мафкуравий манзараси шиддат билан ўзгараётган, инсон онгини бошқаришга интилаётган турли хил оқимлар фаолияти авж олаётган бир паллада жамиятимизда «Авесто» сингари асарлар муҳим аҳамиятга эга.

Иккинчидан, «Авесто»даги фалсафий ғояларни таҳлил этишда, ушбу фикрларни бугунги давр муҳитига мослаштиришда анъанавий тадқиқот методологиялари билан бирга замонавий фалсафий-илмий методологиялардан, шунингдек, системали, синергетик ва герменевтик ёндашувдан оқилона фойдаланиш асарнинг янги томонларини очиб беради.

Учинчидан, замонавий фалсафий методологиялар орқали «Авесто»ни тадқиқ этиш ҳамда асардаги фикрларга синергетик ёндашиш унинг ҳамма ғояларини ҳам шундайлигича ёритмасдан бугунги кун “тилини” топишга имкон беради.

Тўртинчидан, Марказий Осиё фалсафий фикрлари тараққиётида «Авесто»нинг ўрни шундай улкан кучга эга бўлганки, у илмий дунёқарашни юксалтириш билан бирга бутун бир давлат, жамият онгини шакллантириб, миллий истиқлол, мустақиллик туйғуларини шунчалар мустаҳкам ўрнатганки, ҳатто босқинчилик юришлари даврида асарни йўқ қилибгина, яъни халқни маънавиятидан жудо этибгина давлат эгалланганига тарих гувоҳ. Шунинг учун асар ғоялари бугунги даврда ҳам ўз фалсафий ва маънавий кудратига эга ҳисобланади.

«Авесто»да оламнинг синергетик манзарасини ифодаланиши (онтологик таҳлил)” деб номланган диссертациянинг иккинчи бобида «Авесто»да тартиб ва тартибсизлик ўртасидаги муносабат муаммосини ёритилиши, ундаги оламнинг мураккаблиги ва хилма-хиллигининг намоён бўлиши, «Авесто»даги ғояларнинг замонавий фалсафий қарашлар ривожига конструктив таъсири атрофлича таҳлил қилинган.

Синергетика таълимоти XX асрнинг сўнгги чорагида вужудга келган бўлсада, синергетик жараёнлар азалдан мавжуддир ва бундай жараёнларга хос қонуниятларни инсоният қадимдан таҳлил этиб келади. Синергетика таълимоти вужудга келиши натижасида оламнинг постноклассик манзараси шаклланди. Бу оламга янгича методологик нуқтаи назардан ёндашувдир. Олимлар, тадқиқотчилар борлиқ, жамият, инсон тўғрисида янгича фикр юрита бошлашди. Чунки бугунги кунда глобаллашув, тараққиёт жадал суръатлар билан кечаётган бир даврда янгича тафаккур тарзига эга бўлиш, ҳар бир тадқиқот объектини ҳар томонлама энг янги методлар орқали ўрганиш давр талабидир.

Диссертацияда синергетика “учинчи минг йиллик фани” деб эътироф этилаётган бўлсада, унинг туб илдизлари муқаддам «Авесто» китоби ғояларига бориб тақалиши эътироф этилган.

Биз тартибсизликни ҳеч қандай қонуниятга бўйсунмайдиган тушунча сифатида тушунмаслигимиз лозим. Чунки бир система учун тартибсиз бўлган ҳолат бошқа бир система учун тартибот бўлиши мумкин. Бу тушунча тўғрисида фикр юритиб, Ю.Л.Климонтович "... агар биз тартиб ва хаос принципларини фарқланишига эътибор қаратадиган бўлсак, тартибланганлик даражасида икки ҳолатни солиштириб кўриш имкониятига эга бўламиз. Булар ўз-ўзини ташкиллаштириш ва ўз-ўзини ташкиллаштирмасликдир", - деб ёзади⁴.

Зардўштийлик таълимоти бутунлай янги системанинг вужудга келишига сабаб бўлди. «Авесто»даги ғоялар, қонун-қоидалар, битиклар, гоҳ ва яштар инсониятни бирлаштиришга, ягона мақсад сари интилишга, ҳамжиҳатликка йўналтирди. Агар биз масалага нозиклик асосида ёндашсак, тадқиқот объектидаги янги маъно, мазмун ва синергетик қонуниятларнинг амал қилишини илғай олишимиз мумкин.

«Авесто»да шундай дейилади: "Бу икки олам бир-бирига ётлашганидан илк бор "тириклик" ва "нотириклик"ни бунёд айладилар. Бу ҳол олам сўнгигача давом этаверади. Энг эзгу ҳаёт Ашаҳ-Ҳақиқат пайравларига, ва энг қабиҳ тириклик дуруж-ёлғон тарафдорларига насиб қилади"⁵. Ушбу битиклардан келиб чиқиб ҳам шуни айтишимиз мумкинки, бу икки олам, яъни яхшилик ва ёмонлик, барқарорлик ва беқарорлик, тартиб ва хаос ҳамма вақт биргаликда мавжуддир. Тартибсизлик бор экан, унинг ечими сифатида тартиб юзага келади. Ахриман бор экан, унинг ёвуз амаллари, қабиҳ қилмишлари бор экан, унга жавобан Ахура Мазданинг эзгу амаллари, эзгу ғоялари, тартиб сари элтувчи фикрлари вужудга келган. Ҳатто синергетика асосчиларидан бири бўлмиш И.Пригожин ҳам "беқарорлик ривожланиш меъёри, барқарорлик эса турғунликка олиб келади"⁶ дея жуда оқилона фикр билдирган.

Диссертациянинг иккинчи боби юзасидан қуйидаги хулосалар ҳавола этилган:

Биринчидан, «Авесто» ғоялари ҳам, синергетика методологияси категориялари ҳам тартибсизлик, мувозанатсизлик, нозиклик бор экан, уларга жавобан, албатта, тартибот, ривожланиш, тараққиёт, илгарилаш, олға силжиш мавжуд эканлигини исботлаб турибди. Шундай экан, ушбу ғояларни янги усуллар, янги методологик қонуниятлар орқали таҳлил этиш келажакда юксак маънавий меросимизни янгича тафаккур орқали қабул қилишга замин ҳозирлайди.

Иккинчидан, «Авесто» ғояларини синергетика методологияси категориялари ёрдамида таҳлил этиш, асарга шу кунгача ёндашиб келинган дуалистик қарашлардан фарқли ўлароқ, кўп томонлама, серқирра ва мураккаб томонларини ҳам очиб беради. Бу эса «Авесто» ғояларини келажак авлод онги ва қалбига янада изчил, янада мустаҳкам сингдиришга энг осон усул бўлиб хизмат қилади.

⁴ http://uchebnikionline.com/estestvoznanie/kontseptsii_suchasnogo_prirodovoznavstva_-_karpov_ya_s/sinergetika_narodzhennya_poryadku_haosu.htm

⁵ Авесто. –Т.: "Шарқ", 2001. –Б.10.

⁶ Бозоров Д. Синергетик парадигма. –Т. "Тафаккур", 2010. –Б. 88.

Учинчидан, «Авесто»да нафақат илоҳий олам, балки оламнинг турли шакллари, жумладан, моддий, маънавий, актуал, потенциал, реал, виртуал, конкрет, абстракт оламлар ҳақида ҳам фикрларнинг мавжудлиги ўзбек халқининг азалдан илм дунёси нақадар улкан эканлигини исботлаб турибди.

Диссертациянинг учинчи боби «Авесто»да ўз-ўзини ташкиллаш ғояси ва унинг ҳозирги замон билиш назарияси ривождаги ўрни (гносеологик таҳлил)” деб номланиб, унда «Авесто»да ўз-ўзини ташкиллаш жараёнини англашнинг гносеологик хусусиятлари, ундаги олам ва ўзликни билиш тамойилининг ўзаро алоқадорликда акс эттириш детерминантлари, «Авесто» ғояларининг синергетик табиати ва унинг бугунги кундаги аҳамияти таҳлил этилган.

Синергетиканинг муҳим ғояларидан бири бу ўз-ўзини ташкиллаштириш ғоясидир. Бу назарий-фалсафий таълимот сифатида XX асрнинг охирларида шаклланган бўлса-да, унинг фалсафий ғоялари узоқ ўтмишга бориб тақалади. Бу ҳақда баъзи бир илмий аргументлар орқали олдинги бобларимизда ҳам айтиб ўтдик. Масаланинг муҳим томони шундаки, биз ўрганаётган «Авесто»да айнан ўз-ўзини ташкиллаштириш ғоялари мавжуд бўлиб, бу тадқиқот объектини синергетика нуқтаи назаридан ўрганиш самарадорлиги оширади.

«Авесто»да инсоннинг ўз-ўзини ташкиллаштира олишига, яъни ўз-ўзини тарбиялаши, асраши, сақлаши, ҳимоя қилиши, умуман, одамзотни ўз-ўзидан ҳар томонлама ташкиллаша олишига алоҳида урғу берилади. Ҳар бир акли расо одам Ахурамазда каломлари орқали ўз-ўзини эзгу фазилатлар орқали ташкил этиши, ёки ёвузлик йўлини танлаши ҳам фақат ўзига боғлиқ эканлиги таъкидланади. «Авесто»да ўқиймиз: “Ўша икки оламдан ёлғон-“дуруж”ни ихтиёр этганлар энг ёмон амалларга берилдилар ва абадий осмонни қоплаган солиҳ одамлар учун бунёд этилган Ашаҳ-Ҳақиқатга юз бурганлар ўзларининг эзгу амаллари ва озодликка муҳаббатлари туфайли Ахура Маздани хушнуд этдилар”⁷. Демак, ушбу гоҳдан шуни англашимиз мумкинки, инсон бу оламда бирон-бир фойдали фаолиятни амалга ошириши учун аввало ўз-ўзини руҳан ва жисмонан соғлом этиб ёки қабиҳликни ихтиёр қилиб ўз-ўзини норасо этиб ташкиллаштириши ҳам мумкин.

«Авесто» ва бутун борлиқни, ўсимлик, ер, сув, одам барча нарсаларни ўз фравашийси (ўз-ўзини асрагувчи, сақлагувчи қандайдир ички куч ёки аждодлар руҳи) борлиги уқтирилади. Ана шу фравашийлар туфайли барча нарса ва ҳодисалар ўз-ўзини сақлаб қолиши эътироф этилади.

«Авесто»да ўқиймиз: Агар ашаванларнинг қудратли фравашийлари менга мадад бермаганларида менинг энг гўзал жонворларим ва инсонларим нобуд бўларди; Осмонни тутиб тургувчи, сувни асрагувчи; заминни сақлагувчи; сигирни сақлагувчи; ҳаёт топган фарзандларни нобуд бўлмаслиги учун она қорнида асраган ва туғилмасидан бурун суяклар, сочлар, эт ва ички аъзолар, оёқлар, эрлик ва аёллик аломатларига жон бағишлаган фравашийлар⁸. Синергетик нуқтаи назардан ёндашсак, «Авесто»да зикр этилган

⁷ Авесто. - Т.: “Шарқ”, 2001. –Б.10.

⁸ Авесто. - Т.: “Шарқ”, 2001. –Б. 252-253.

“фравашийлар”ни барча нарсалар, бутун борлиқ, табиат ва инсоният дунёсини ўз-ўзини ташкиллаштиришида система ичидаги таъсир сифатида тушуниш мумкин.

Диссертацияда «Авесто» ғояларига биноан инсон ва бошқа тирик жонзотлар ўз-ўзини ташкиллаштирувчи тизим сифатида эътироф этилиши изоҳланиб, ушбу ғояларга кўра инсоният ташқи муҳитдан модда ва энергияни, ахборотни қабул қилиш мобайнида ўз-ўзини ташкиллаштириши ҳамда ана шу қабул қилган ахборотларни ёки ташқи муҳит таъсирини яна ахборотга айлантириши асосланган.

Диссертацияда кооператив ёндашув, яъни тизимларни ўрганишда ҳамкорликда ёндашиш масаласи синергетик методологиянинг энг асосий принципларидан эканлиги таъкидланиб, «Авесто»ни тадқиқ этишда нафақат турли соҳа олимлари ҳамкорлиги, балки турли ҳудудлар, турли минтақа ва мамлакатлар, ҳамкорлиги муҳим эканлиги асосланган.

Диссертациянинг «Авесто»да ўз-ўзини ташкиллаш ғояси ва унинг ҳозирги замон билиш назарияси ривожигаги ўрни (гносеологик таҳлил)” деб номланган учинчи боби юзасидан қуйидаги хулосалар баён этилган:

Биринчидан, ўз-ўзини ташкиллаш жараёнини таҳлил этиш яқин ўтмишдан бошлаб тадқиқот мавзусига айланган бўлса-да, унинг ғоялари илдизи узоқ ўтмишга, яъни «Авесто» яратилган даврларигача бориб тақалади. «Авесто»даги ўз-ўзини ташкиллаш жараёни элементларини англаш ва аниқлаш асарнинг бугунги давр методологик принциплари ёрдамида қайта тадқиқ этишга имкон беради.

Иккинчидан, «Авесто»даги ўз-ўзини ташкиллаш жараёни ҳақидаги мулоҳазалар инсоният, табиат, жамият тараққиёти, ривожини учун ўз-ўзини тартиблаш, ўз-ўзини сақлаш, асраш, ўз-ўзини назорат қилиш, ваҳоланки, ўз-ўзини ташкиллаш ғояларининг аҳамияти ва қимматини нақадар муҳим эканлигини очиқ беради.

Учинчидан, «Авесто»даги ўз-ўзини ташкиллаш ғояларини гносеологик таҳлил этиш, синергетик методологияга хос бўлган ушбу категорияни тарихийлик қийматини ошириш баробарида бугунги кун фалсафий фикрлари тараққиётидаги ўрнини белгилаб беради ҳамда бутун жамиятни «яратувчанлик», «эзгулик» сифатлари билангина ўз-ўзини муносиб тарзда ташкиллашига, тартиблашига йўналтиради.

ХУЛОСА

Тадқиқот натижасида қуйидаги хулосаларга келинди:

1. Марказий Осиё халқларининг фалсафий фикрлари (кўпчилик олимларимиз зардуштийлик даври билан боғлашади) нафақат зардуштийлик давридан, балки ундан анча олдин илк политеистик ва монотеистик (тангричилик) диний эътиқодлар замирида вужудга келган. Ушбу ғоялар диний характерда ифодаланган бўлишига қарамасдан, кейинги даврларда пайдо бўлган дастлабки жаҳон дини сифатида эътироф этилаётган зардуштийлик дини ва фалсафасининг вужудга келишига асос бўлган. Зеро, муайян фалсафий

асоссиз эҳтимол (зардуштийликдаги) бундай улкан фалсафа шаклланмаган бўлар эди.

2. «Авесто»нинг яратилиши Марказий Осиё халқларинигина эмас, балки бутун дунё динлари ва фалсафасининг шаклланишига сезиларли таъсир этди. Фалсафий тараққиёт “бешиги” ҳисобланган Юнонистон, Ҳиндистон, Хитой фалсафий фикрларининг ривожланишига ҳам улкан ҳисса қўшди.

3. «Авесто», фалсафий, маънавий, маърифий, ахлоқий, сиёсий, ҳуқуқий барҳаёт ғоялари билан бугунги кун фалсафий ва илмий дунёқарашини, тафаккур тарзини шакллантириш учун кўмак бера олади. Зеро, бугунги дунёнинг мафкуравий манзараси шиддат билан ўзгараётган, инсон онгини бошқаришга интилаётган турли хил оқимлар фаолияти авж олаётган бир пайтда жамиятимизда «Авесто» сингари асарлар муҳим аҳамиятга эга.

4. «Авесто»даги фалсафий ғояларни таҳлил этишда, ушбу фикрларни бугунги давр муҳитига мослаштиришда анъанавий тадқиқот методологиялари билан бирга замонавий фалсафий-илмий методологиялардан, шунингдек, системали, синергетик ва герменевтик ёндашувдан оқилона фойдаланиш асарнинг янги томонларини очиб беради.

5. Замонавий фалсафий методологиялар орқали «Авесто»ни тадқиқ этиш ҳамда асардаги фикрларга синергетик ёндашиш унинг ҳамма ғояларини ҳам шундайлигича ёритмасдан бугунги кун “тилини” топишга имкон беради.

6. «Авесто» ғоялари ҳам, синергетика методологияси категорияларида, жумладан, тартибсизлик, мувозанатсизлик, ночизиқлик каби ҳодисаларга жавобан, албатта, тартибот, ривожланиш, тараққиёт, илгарилаш, олға силжиш каби феноменлар мавжуд эканлигини исботлаб турибди. Шундай экан, ушбу ғояларни янги усуллар, янги методологик қонуниятлар орқали таҳлил этиш юксак маънавий меросимизни янгича тафаккур орқали қабул қилишга замин ҳозирлайди.

7. «Авесто» ғояларини синергетика методологияси категориялари ёрдамида таҳлил этиш, асарга шу кунгача ёндашиб келинган дуалистик қарашлардан фарқли ўлароқ, кўп томонлама, серқирра ва мураккаб томонларини ҳам очиб беради. Бу эса «Авесто» ғояларини келажак авлод онги ва қалбига янада изчил, янада мустаҳкам сингдиришга энг осон усул бўлиб хизмат қилади.

8. «Авесто» бутун олам, борлик, коинот, қуёш ва юлдузлар туркуми, ой ва сайёралар, ернинг шарсимон шаклда эканлиги, турли табиат ҳодисалари, тоғлар, дарёлар, мамлакатларнинг географик жойлашиш ўрни хусусида фикр юритилган илк манбадирки, буни ҳеч ким инкор эта олмайди. «Авесто»да нафақат илоҳий олам, балки оламнинг турли шакллари, жумладан, моддий, маънавий, актуал, потенциал, реал, виртуал, конкрет, абстракт оламлар ҳақида ҳам фикрларнинг мавжудлиги ўзбек халқининг азалдан илм дунёси нақадар улкан эканлигини исботлайди.

9. «Авесто»ни объектив ўрганиш натижасида ўз-ўзини ташкиллаш жараёнининг илк элементлари айнан мазкур даврдан бошланиб, улар кейинги даврлар илмий билиши учун назарий асос сифатида гуманистик, диалектик, синергетик тафаккур тарзининг шаклланишига муҳим тўртки бера олганини

асослайди. «Авесто»даги ўз-ўзини ташкиллаш ғояларини гносеологик таҳлил этиш, синергетик методологияга хос бўлган ушбу категорияни тарихийлик қийматини ошириш баробарида бугунги кун фалсафий фикрлари тараққиётидаги ўрнини белгилаб беради ҳамда бутун жамиятни “яратувчанлик”, “эзгулик” сифатлари билангина ўз-ўзини муносиб тарзда ташкиллашига, тартиблашига йўналтиради.

10. «Авесто»ни дунёдаги тарихий манбалар ичида онтологик, гносеологик, эпестимологик, экологик, синергетик билиш масалалари ёритилган илк манбалардан бири деб ҳисоблаш учун, тадқиқотчилар томонидан янада чуқур ўрганиш, ушбу фикрларни мантикий асослаш ва жаҳон илмий жамоатчилигига исботлаб бериш учун синергетика методологияси муҳим аҳамият касб этади. Ҳар қандай давлат, ҳар қандай жамият ривожда, тараққиётида унинг келажагини белгилашда, албатта, тарихий, маънавий меросга эътибор қаратилади. Буюк тарих, юксак маънавий мерос фаровон келажак учун асос бўлиб хизмат қилади. Шунинг учун «Авесто» сингари улкан маънавий мерос намуналарини синергетик методология асосида таҳлил этиш самарали натижа беради.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ – DSc.27.06.2017.F.02.02
ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ САМАРКАНДСКОМ
ГОСУДАРСТВЕННОМ УНИВЕРСИТЕТЕ**

САМАРКАНДСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ УНИВЕРСИТЕТ

ЭРГАШЕВА МАХБУБА ХОТАМБЕКОВНА

**СИНЕРГЕТИЧЕСКИЙ ПОДХОД К ФИЛОСОФСКИМ ИДЕЯМ “АВЕСТЫ”
(онтологический и гносеологический анализ)**

09.00.01.- Онтология, гносеология, логика

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО ФИЛОСОФСКИМ НАУКАМ**

Самарканд – 2017

Тема диссертации на соискание ученой степени доктора философских наук зарегистрирована Высшей аттестационной комиссией при Кабинете Министров Республики Узбекистан под номером B2017.1.PhD/Fa19.

Диссертация выполнена в Самаркандском государственном университете.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекском, русском, английском (резюме)) вложен в веб-сайт Ученого совета samdu.uz а также в информационно-ресурсный портал "ZiyoNet" www.ziynet.uz.

Научный руководитель:

Тураев Бахтиёр Оманович
доктор философских наук, профессор

Официальные оппоненты:

Исхаков Мирсадик Мирсултанович
доктор исторических наук, профессор

Бердимуратова Алима Карлыбаевна
доктор философских наук, профессор

Ведущая организация:

Ташкентский Государственный педагогический университет

Защита диссертации состоится на заседании Ученого совета №DSc.27.06.2017.F.0202 по присуждению ученых степеней доктора наук по философии (DSc) и доктора философии (PhD) при Самаркандском государственном университете в ____ часов «____» _____ 2017 года (Адрес: 140104, г.Самарканд, Университетская аллея, 15. Тел.: (8366) 235-19-38; факс: (8366) 231-15-86, (8366) 235-27-24; e-mail: rector@samdu.uz Исторический факультет Самаркандского государственного университета, 1-этаж, конференц-зал).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Самаркандского государственного университета (зарегистрирована под № ____). Адрес: 140104, г.Самарканд, Университетская аллея, 15. Тел.: (8366) 235-19-38; факс: (8366) 231-15-86, (8366) 235-27-24

Автореферат диссертации разослан «____» _____ 2017г.
(Протокол № ____ от «____» _____ 2017г.)

Ж.Яхшилик
Заместитель председателя научного совета
по присуждению ученых степеней,
доктор философских наук., профессор

А.А.Азизкулов
Ученый секретарь научного совета по
присуждению ученых степеней, кандидат
философских наук.

С.А.Чориев
Председатель научного семинара при
научном совете по присуждению
ученых степеней, доктор философских наук.

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации (PhD) доктора философии)

Актуальность и востребованность темы диссертации. В XXI столетии самой высшей ценностью становятся жизнь и неприкосновенность, честь и достоинство, права и свободы человека. Между тем эти идеи были провозглашены как непреходящие ценности почти три тысячи лет тому назад «Авестой», оказавшей громадное влияние на развитие всей философской мысли человечества. Глубиной своей мысли и тонкостью своей природы она восхищала многие поколения ученых и философов мира, она и ныне открывает свои новые грани для исследователей. Так, с появлением синергетики в конце XX века возникла потребность переосмыслить «Авесту» с точки зрения нелинейного мышления. Оказалось, что глубинные корни этой новой, нетрадиционной методологии восходят к глубокой древности – эпохе создания «Авесты». Однако до сегодняшнего дня не осуществлен синергетический анализ данного произведения, не раскрыты его онтологические и гносеологические грани, не изучены созидательные идеи, которые и сейчас актуальны в борьбе против разрушительных идеологий.

В годы независимости было обращено особое внимание восстановлению нашего духовного и религиозно-философского наследия. «Бережно храня мудрость прошлых поколений, мы осознанно идем на решительные реформы, привержены формированию нового облика страны».¹ В годы независимости была организована под эгидой ЮНЕСКО международная конференция, посвященная 2700-летию создания «Авесты» (2001) и все это повысило международный авторитет данного источника. На международных конференциях, проведенных в Хорезме по случаю 2700-летия «Авесты» (2001), в Самарканде на тему «Историческое наследие ученых и мыслителей средневекового Востока, его роль и значение для современной цивилизации» (2014) особое ударение было сделано на актуальность исследования духовного наследия. «В нынешнее беспокойное время особенно возрастают ценность и значение этого богатейшего научного и духовного наследия, являющегося достоянием всего человечества, в достижении прогресса и стабильности во всем мире».² Это требует от нас воспитания нашей молодежи в духе созидательных идей, оставленных нам предками, еще более широкого внедрения философских, исторических произведений, созданных прошлыми поколениями. Глубокое исследование произведения «Авесты», особенно ее созидательных идей, использование бесценного наследия для прогресса общества в будущем будет служить воспитанию нашей молодежи творческими личностями, патриотами, гуманистами.

В настоящее время различные глобальные проблемы – экологические катастрофы, терроризм, экстремизм, торговля людьми, наркомания и другие

¹ Выступление Президента Республики Узбекистан Шавката Мирзиёева на 72-сессии Генеральной Ассамблеи ООН 19 сентября 2017 года. – «Народное слово», 20 сентября 2017 г.

² Выступление Президента Республики Узбекистан Шавката Мирзиёева на первом саммите Организации исламского сотрудничества по науке и технологиям в Ташкенте. 18 сентября 2016 года. - Islom.ziyouz.com/fatvo.../islom-konferensiyasi-tashkiloti.

пороки угрожают международной стабильности. В этих условиях исследование философских идей «Авесты» - этой священной книги, олицетворяющей в себе созидательные идеи, призывающей людей к добру и справедливости, с точки зрения синергетики имеет важное практическое значение в анализе научно-концептуальных проблем современного мира, формировании идеологического иммунитета, развитии национального самосознания. Между тем, до сих пор не осуществлен синергетический анализ данного произведения, не раскрыты его онтологические и гносеологические грани, не изучены полностью его созидательные идеи, которые имеют актуальное значение в борьбе против разрушительных идеологий в настоящее время.

Данное исследование будет способствовать успешной реализации задач, определенных Постановлением Кабинета Министров Республики Узбекистан №47 «Об утверждении нормативно-правовых актов по охране объектов нематериального культурного наследия» от 23 февраля 2011 года, Указом Президента Республики Узбекистан УП - № 4947 «О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан»³ от 7 февраля 2017 года, «О мерах по дальнейшему совершенствованию системы хранения, исследования и пропаганды древних письменных источников» от 24 мая 2017 года, «О повышении эффективности духовно-просветительских работ и поднятии развития сферы на новый этап» от 28 июля 2017 года и других нормативно-правовых актах

Степень разработанности проблемы. Научно-методологической основой данного исследования послужили концептуальные идеи по вопросам восстановления и развития национального духовного наследия, культуры, содержащиеся в произведениях и докладах Первого Президента Республики Узбекистан И.А.Каримова. Научное наследие наших великих предков также считается важнейшим источником в освещении исследуемой нами темы. В частности, Абу Рейхан Беруни оставил нам весьма серьезные соображения по «Авесте».

Благодаря независимости в нашей Республике появились научные труды и монографии таких ученых, как А.Аширов, С.Арифханова, М.Исхаков, Т.Карим, А.Махкам, Т.Махмудов, Г.Махмудова, Ф.Сулейманова, А.Сагдуллаев, М.Умарзода, Р.Уразова, Х.Хамидов, А.Каюмов, которые заслуживают внимания тем, что в них освещаются новые стороны данного учения.

Религиозно-философские основы зороастризма исследованы зарубежными учеными, такими как М.Бойс, Е.Бюрнуф, Э.Бенвенист, Г.Виденгрэн, В.Гайтер, Э.Герцфельд, К.Гельднер, Анкетилля Дюперрон, Ж.Дармстетер, Ж.Дюшен-Гийемен, Ж.Келлен, Б.Линкольн, М.Мюллер, И.Маркварт, М.Моле, М.Пур-Давуд, С.Х.Тагизаде, Дж.Тавадия, Р.Фрая, У.Хеннинг, Ф.Шпигел и другими.

³ Указ Президента Республики Узбекистан. О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан. – Ташкент.: Адолат, 2017.

Исследования по «Авесте» в широком масштабе проводились в основном в США, Германии и Франции. При этом заслуживаю внимания научные изыскания ученых Гарвардского и Оксфордского университетов.

Однако, анализ осуществленных исследований показывает, что до сих пор не выдвинуты полновесные и объективные воззрения, глубокие комментарии, философски завершенные концепции, раскрывающие сущность «Авесты».

К числу ученых стран СНГ, с научно-философских позиций исследовавших «Авесту» как священной книги Зороастризма и ее идеи относятся В.И.Абаев, И.Алиев, В.В.Бартольд, Е.Э.Бертельс, И.С.Брагинский, Б.Г.Гафуров, Э.А.Грантовский, М.М.Дьяконов, Е.А.Дорошенко, К.Г.Залеман, В.А.Лившиц, В.Г.Луконин, А.О.Маковельский, С.Ф.Ольденбург, И.М.Оранский, В.В.Струве, А.А. Фрейман и другие.

В то же время мы должны особо подчеркнуть, что в существующих исследовательских работах религиозно-философские идеи этого бесценного исторического наследия не подвергаются специальному изучению на основе синергетической методологии. По этой причине в данном исследовании мы постарались осуществить онтологический и гносеологический анализ философских идей «Авесты» на основе синергетического подхода.

